ЮБИЛЕЙ ЙИЛИНИНГ ЗАРБДОР ВАХТАСИДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 59 (5920).

25 МАРТ ЖУМА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

Янгийўл районидаги «Ленинизм» колхозининг Анорбой Рихсибоев бошлиқ бригада далаларида ҳар гектар ҳисобига 150 килограммдан аммофос сепилмоқда. Бригада аъзолари чигит экишни бошлаш арафасида. Суратда: механизатор Тўлқин Комилов далаларни озиқлантирмоқда.

А. Абалян фотоси.

Н. В. ПОДГОРНИЙНИНГ ТАНЗАНИЯДА БЎЛИШИ

ДОРУС-САЛОМ, 23 март (ТАСС махсус мухбири). СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний расмий визит билан Танзания Бирлашган республикасига келди.

Совет Иттифоқи ва Танзания байроқлари билан безатилган аэродромда республика президенти Ж. Ньерере, биринчи вице президент А. Жумбе, Бош министр Э. Сокоине, бошқа расмий кишилар Н. В. Подгорнийни кутиб олдилар. Кутиб олувчилар орасида СССР-нинг Танзаниядаги элчиси С. А. Слипченко бор эди.

Н. В. Подгорний ва Ж. Ньерере фахрий қоровул сафини айланиб чиқдилар. Миллат салюти янгради. Совет Иттифоқи ва Танзаниянинг давлат гимнлари ижро этилди.

Аэродромдан қароргоҳга бориш йўлида Танзания пойтахтининг ўн минглаб аҳолиси СССР Олий Совети Президиумининг раисини табриклади.


Н. В. Подгорний матбуот учун берган баёнотида мўлжалланган учрашув ва музокаралар дўстона ва конструктив вазиятда ўтади, ўзаро манфаатли ва самарали бўлади, деб ишонч билдирди.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ КЎМИР ҚАЗИБ ЧИҚАРИЛАДИ

«АНГРЕНСКИЙ» кўмир разрезининг коллективи «Қизил шанбалик» куни 13 минг тонна — смена топшириғидан 1000 тонна кўп кўмир қазиб чиқариш мажбуриятини олди. Бошқа икки смена ҳам меҳнат байрамини зарбдор иш билан нишонлайдилар. Улар шанбаликни бир неча кун илгари ўтказишга қарор қилдилар.

Разрез кўмирчилари ҳозирданоқ шунга тараддуд кўра бошладилар. Улар 16 апрель куни энг юксак иш унуми билан ишламоқчилар. Ремонтчилар техниканинг навбатдан ташқари профилактика қўригини ўтказадилар, кўмир ва яроқсиз жинсларни ташиш графиклари ишлаб чиқилмоқда. Ёш экскаваторчилар, тепловоз машинистлари, автомобилчилар «Қизил шанбалик»да меҳнат рекорди қўямиз деган ташаббус билан чиқдилар.

(ЎзТАГ).



БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

ЯНГИЙЎЛДАГИ Носиров номли пахта тозалаш заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари москваликлар ташаббусини қўллаб-қувватламоқдалар. 16 апрелда ўтказиладиган Бутуниттифоқ шанбалигини ҳар қачонгидан унумлироқ ишлаб, кўпроқ хомашё ишлаб чиқариш, энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш билан кутиб олишга қарор қилишди. Қизил шанбаликда завод ишчилари ва инженер-техник ходимларидан 858 киши қатнашади. Жумладан 600 ишчи 115 тонна пахта толаси ишлаб чиқаради. Бу кунлик планнинг 110 процентини ташкил этади. 16 тонна момиқ, 170 тонна чигит ишлаб чиқарилиб, жами 170 минг сўмлик хомашё тайёрланади. Шундан 2500 сўм пул беш йиллик фондига утказилади.

Т. ЮСУПОВ.

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

ДОРУС-САЛОМ, 23 март. (ТАСС). Танзания президенти Ж. Ньерере бугун СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний шарафига давлат номидан қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида совет ва танзаниялик расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими вақтида Ж. Ньерере ва Н. В. Подгорний нутқ сўзладилар.

Совет Иттифоқи,— деди Ж. Ньерере ўз нутқида, — 1917 йилда дунёнинг мазлум халқларига янги умид бахш этган Октябрь революциясини амалга оширди. Коммунистик партия раҳбарлигида совет халқи жуда катта қийинчиликларни бартараф этиб, коммунистик қурилишда муваффақиятларга эриша олди.

Бизнинг миллий суверенитетимизни ҳурматлашга ва биз билан тўла тенг ҳуқуқлилик асосида ҳамкорлик қилишга тайёр бўлган дунёдаги барча мамлакатлар билан дўст бўлишни ҳоҳлаймиз. Шу принциплар ҳусусида биз муросасизликка бормаймиз. Қитъамиздаги бошқа халқлар билан биргаликда биз Африканинг ҳар қандай ташқи ҳукмронликдан халос бўлишига эришишга қаттиқ аҳд қилганмиз. Мустамлакачилик, ирқчилик ва янги мустамлакачилик бизнинг қитъамизда таг-томири билан тугатилмагунча, биз шу иш учун курашаверамиз.

Ж. Ньерере Африканинг мустақиллик йўлидаги курашига Совет ҳуқумати билан совет халқи жуда катта ҳисса қўшаётганлигини таъкидлади. Биз, Танзаниядагилар, деди у, Совет Иттифоқининг озодлик ҳаракатларига бераётган ёрдамини юксак қадрлаймиз.

Биз пировард натижада ўз мақсадимизга эришишимизга, халқимиз тобора олға силжиган сайин биз амалга оширишга қодир бўлган социалистик тадбирларнинг афзалликларини тобора кўпроқ сезаберишимизга аминмиз.

Дунёда бизнинг ривожимизни ҳайриҳоҳлик билан кузатиб турган ва зарур пайтда бизга ёрдам қўлини узатишга тайёр бўлган давлатлар ва халқлар борлиги бизни руҳлантиради. Биз Совет Иттифоқини ана шу дўстларимиз қаторида тилга олишимиз мумкинлигидан бахтиёрмиз.

Ривожланаётган мамлакатлар билан сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликда,—деди Н. В. Подгорний ўзининг жавоб нутқида, — социализмнинг миллий-озодлик ҳаракати билан иттифоқи — империализмга қарши, миллий-озодлик ва социал тараққиёт учун курашдаги манфаатларнинг объектив муштараклигига асосланган иттифоқ ўз ифодасини топмоқда. Биз Африка илғор давлатларидан бири бўлган Бирлашган Танзания Республикаси билан ўз муносабатларимизни шу позициялар асосига қурамиз.

Н. В. Подгорний Африка жанубидаги аҳволга тўхталиб, бундай деди: биз — Африка жанубидаги халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашчилар тарафидамиз ҳамда мустамлакачилик ва ирқчиликнинг ҳамма манбаларини бутамом тугатишни энг муҳим халқаро вазифалардан бири деб ҳисоблаймиз.

Биз Замбиядаги воқеаларга баҳо беришга ҳам ҳар бир халқнинг ўз ишларини ўзи ҳал этиш ҳуқуқини қўллаб-қувватлашдан иборат ўзимизнинг принципиал позициямизда туриб ёндошамиз. Бу мамлакатдаги ички можаро ташқаридаги империалистларнинг ҳеч қандай аралашувисиз унинг ўз халқи томонидан ҳал этилиши мумкин ва лозим.

Сўнгги кунлардаги фожиали воқеалар — Ливан прогрессив социалистик партиясининг раҳбари Камол Жумблат ва Конго Халқ Республикасининг президенти, КХР Давлат кенгашининг Раиси Мариан Нгуаби разилона ўлдирилганлиги — реакция тараққийпарвар кучларни чўчитиш, пароканда қилиш, миллий-озодлик ҳаракатига путур етказиш учун ҳеч қандай воситалардан ҳазар қилмаётганлигини қайта-қайта кўрсатиб турибди. Аммо биз халқларнинг мустақиллик ва социал тараққиётга интилишини реакциянинг ҳеч қандай жинояткорона ҳаракатлари, ҳеч қандай кирдикорлари тўхтатиб қола олмаслигига аминмиз.

Ж. Ньерере ва Н. В. Подгорний нутқлари эътибор бериб тингланди ва қарсаклар билан бўлиниб турди.

Қабул маросими дўстона вазиятда ўтди.

ПАРТИЯ ПЛАНЛАРИ —ХАЛҚ ПЛАНЛАРИ

СССР КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ XVI СЪЕЗДИДА

Озарбайжон касаба союзлари республика Советининг раиси **З. И. Гусейнова** республика саноат ва қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига тайёргарлик даврида қандай муваффақиятларга эришганликларини гапириб берди.

М. Горький номли Ленинград Большой театри актери СССР халқ артисти **В. И. Стржельчик** социалистик санъатнинг халқ турмуши билан чамбарчас алоқадор эканлиги тўғрисида съезд манбаридан гапирди.

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг касаба союзлари съездидаги нутқида ёш авлоднинг ривожланган социализм жамиятидаги ролига юксак баҳо берилганлиги, — деди ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **Е. М. Тяжельников**, — совет ёшларининг кучига мислсиз куч, ижодий илҳом бахш этди. Бу нутқ касаба союзлари учунгина эмас, комсомол учун ҳам жанговар фаолият программасидир. Биз партиянинг йўл-йўриқларига амал қилиб, ёшларни ғоявий-сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан ҳамда меҳнатсеварлик рухида тарбиялаш ишини янада кучайтиришни таъминлашимиз, бутун комсомол ишининг самарадорлиги ва сифатини кўтаришимиз зарур.

Касаба союз ташкилотларининг иши, деб таъкидлади Литва касаба союзлари республика Советининг раиси **К. Ю. Мацкявичюс**, экономикани ривожлантиришни жадаллаштирувчи омиллардан биридир. Касаба союзларининг ёрдами билан республикада маҳсулот сифатини бошқариш системаси тобора кенг жорий этилмоқда. Нотиқ Литва корхоналари ва қурилишларида, қишлоқ хўжалигида ҳам меҳнатнинг илғор методлари жорий этилаётганлигини маълум қилди.

Совет хотин-қизлари комитетининг раиси, Совет Иттифоқи қаҳрамони **В. В. Николаева-Терешкова** бундай деди: — Совет хотин-қизлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ажойиб меҳнаткаш хотин-қизларимиз тўғрисида съездда сидқидилдан айтган самимий сўзларидан ғоят тўлқинландилар. Бу сўзлар партия ва давлат хотин-қизлар тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб, уларга эътибор бераётганликлари учун қалбдан чиққан самимий миннатдорчилик сўзлари билан уйғунлашиб кетади.

Руминия касаба союзлари умумий бирлашмаси маркази кенгашининг секретари **Штефан Павел** съездни табриклаб, биз совет халқининг дўстлари сифатида коммунизм қуришдек улуғвор ишда сиз эришган ажойиб муваффақиятлардан астойдил қувонмоқдамиз, деди.

Мамлакатимизда адабиёт ва санъат, деди СССР ёзувчилари союзи правлениесининг биринчи секретари **Г. М. Марков**, миллион-миллион кишиларнинг ажралмас эҳтиёжи, ижтимоий атмосферанинг таркибий қисми бўлиб қолди. Касаба союзларнинг ёзувчилар ташкилотлари билан ғоят хилма-хил шакллардаги ҳамкорлиги бунинг жонли тимсолидир.

СССР Министрлар Совети ҳузур-техника таълими Давлат комитетининг раиси **А. А. Булгаков** ўз нутқини ишчилар синфига муносиб ўринбосарлар тайёрлаш проблемаларига бағишлади.

Москвадаги ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари касаба союзлар съездини табрикладилар.

Монголия касаба союзлари марказий кенгашининг раиси **Гомбожавин Очирбат** табрик нутқи сўзлаб, ушбу съезд Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги санасида ўтаётганлиги кишини беҳад қувонтиради, деди.

Молдавия касаба союзлари республика Советининг раиси **П. П. Петрик** беш йиллик планлар ва тинғиз социалистик мажбуриятларни бажараётган республика меҳнаткашларининг муваффақиятлари тўғрисида гапирди.

Ульяновск шаҳридаги В. И. Ленин номли 1-ўрта мактаб муаллимаси **М. Л. Усольцева** съезд минбарига чиқиб, коллективимиз партия XXV съезди ғояларини ҳар бир ўқувчининг онгига етказиши, болаларни Владимир Ильич Ленининг ҳаёти ва революцион фаолияти мисолида тарбиялашни ўз олдига вазифа қилиб қўйди, деди.

Куба меҳнаткашлар касаба союз марказининг Бош секретари **Роберто Вейга** съездни табриклаб, Совет Иттифоқида жамият, коллектив ва шахснинг манфаатлари бир-бирига пайваста бўлиб кетган, деди.

* * *

Кечки мажлисда касаба союз ҳаракатининг энг муҳим масалаларини муҳокама қилиш давом этди.

Илмий-техника жамияти Бутуниттифоқ кенгашининг раиси академик **А. Ю. Ишлинский** илмий-техника жамиятлари ишининг самарадорлиги тўғрисида гапирди. В. И. Ленин номли Камволь комбинатининг тўқувчиси, Ленин комсомоли мукофоти лауреати **В. Н. Голубева** ўз нутқини Иваново тўқимачиларининг Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига меҳнатда эришган муваффақиятларига бағишлади.

Эстония касаба союзлари республика Советининг раиси **Л. Н. Ленцман** республикадаги меҳнат коллективларининг юбилей йилидаги иши қўшимча резервларни қидириб топишга қаратилганлиги ҳақида гапирди.

Съездда Корея бирлашган касаба союзлари марказий комитетининг раиси **Ким Гук Хун** табрик нутқи сўзлади.

Қирғизистон касаба союзлари республика Советининг раиси **Э. А. Абакиров** КПСС ленинча миллий сиёсатининг тантанаси ҳақида, Қирғизистон равнақ топганлиги тўғрисида гапирди.

Югославия касаба союзлари иттифоқи кенгаши раисининг ўринбосари **Душан Богданов-Сенко** съезд делегатларини табриклаб, Югославия ишчилар синфи ва халқлари совет кишиларининг муваффақиятларидан астойдил хурсандлир, деб таъкидлади.

Тожикистон касаба союзлари республика Советининг раиси **А. Ҳайдаров** республика меҳнаткашларининг муваффақиятлари тўғрисида гапирди.

Лаос касаба союзлари федерациясининг раиси **Санан Сутхичак** съездни табриклади.

Сурия ишчи касаба союзлари умумий федерациясининг бош секретари **Носир Изиддин** съездни табриклади.

Съезд жаҳон меҳнаткашлари ва касаба союзларига бир овоздан мурожаат қабул қилди.

СССР касаба союзларининг XVI съезди 24 мартда ўз ишини давом эттиради.

(ТАСС).

КПСС СИЁСАТИДАН МАМНУНМИЗ

ТОШКЕНТ тўқимачилик комбинатининг кўп минг кишилик коллективи КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг СССР касаба союзлари XVI съездида сўзлаган нутқини катта қизиқиш билан кутиб олди. 22 март куни комбинатда бўлган митингда шу ҳақда гапирилди.

— Биз ҳаммамиз партия ва ҳукуматимизнинг совет кишилари фаровонлигини оширишга, бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган доно ички ва ташқи сиёсатидан мамнунмиз,— деди ўз сўзида корхонанинг донгдор тўқувчиси В. И. Солдатова.— Леонид Ильич ўз нутқида совет меҳнаткашларини социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёздиришга чақирди. Мен Улуғ Октябрнинг 60 йиллигигача тўрт йиллик топшириқни бажаришга қатъий аҳд қилганимни яна бир бор тасдиқлайман.

Митингда сўзга чиққан мастер ёрдамчиси Т. Т. Ильина, йигирувчи Р. П. Хеменгаева, бошқа ишчилар совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида экономикани ривожлантириш, маданий савияни оширишда янгидан-янги муваффақиятларга эришаётганлигини эўр ифтихор билан гапирдилар. Митинг қатнашчилари қабул қилган резолюцияда бутун коллективни КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли бажариш учун курашни кучайтиришга, иш сифати ва самарадорлигини ҳар томонлама оширишга, кўп станокчилар сафини кенгайтиришга, Улуғ Октябрь социалистик революцияси шонли юбилейини муносиб кутиб олишни таъминлашга даъват этадилар.

[ЎзТАГ].

ЕР ТАЙЁР

● **ТЎЙТЕПА.** Жума Эргашев бошлиқ звено Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозининг пешқадам коллективларидан ҳисобланади. Звено аъзолари йилдан-йилга ҳосилдорликни кўтариб, зиммага олган социалистик мажбуриятларини ошириб бажармоқдалар. Ўтган йили 63 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландагидан 25 ўрнига 50 центнердан пахта топширилди.

— Биз — дейди звено бошлиғи,—эришилган ютуқларни мустаҳкамлаймиз. Ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳирмон кўтариб, Улуғ Октябрь байрамини муносиб кутиб оламиз.

Звено аъзолари экишни қисқа муддатда ўтказиш учун барча майдонларни сифатли қилиб тайёрлаб қўйишди.

И. НЕЪМАТУЛЛАЕВ, К. МАВЛОНОВ.

РЕМОНТЧИЛАР АҲДИ

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига шарафига мусобақани қизитиб юборган Тошкент Советининг 50 йиллиги номли вагон-ремонти заводи ишчи-хизматчилари шу кунларда ҳар қачонгидан ҳам унумли меҳнат қилишаяпти.

Мусобақада пешқадамлик қилаётган механика цехининг Ф. Олимов бошлиқ комплекс бригадаси азаматлари байрам арафасигача икки йиллик план топшириқларини бажаришга бел боғлашган. Ремонтчилар йил охиригача планга қўшимча 10 минг сўмлик ҳар хил деталлар тайёрлаб бериш, меҳнат унумдорлигини 15 процентга ошириш юзасидан зиммаларига олган мажбуриятларини шараф билан бажаришяпти.

Корхонада беш йилликни муддатидан илгари бажариш ташаббуси кенг қулоч ёйиб бормоқда. В. Смочкин, Ф. Олимов, Н. Немашкалов, Н. Гамашинлар фақат сифатли маҳсулот тайёрлаш билан бирга 1977 йилнинг 7 ноябрь кунигача уч йиллик план топшириқларини бажаришга азму-қарор қилишган. Айни пайтда бу илғор ишчилар 1978 йил ҳисобига маҳсулот топширишаяпти.

И. РУСТАМОВ.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советининг XV чақириқ саккизинчи сессияси 1977 йил 28 мартда кундуз соат 15 да Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг мажлислар залида очилади.

Депутатларни рўйхатга олиш шу ерда соат 13 дан бошлаб ўтказилади.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ.

ДОН ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРАМИЗ

Тўқсон Халимбетов ўн беш йилдан бери Бўстонлиқ районидаги «Ленинград» колхозида ғаллачилик бригадасига бошчилик қилаётир. Бригада аъзолари кўпчилик эмас: беш кишидан иборат. Экин майдони эса, қарийб 900 гектар. Ҳар киши ҳисобига салкам 200 гектардан майдон тўғри келади.

Ғаллакорлар ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилини катта меҳнат ютуқлари билан якунладилар. Лалмикор ерларда буғдой ҳосилдорлиги пландаги 10 центнер ўрнига 17 центнерга етказилди. Арпа ҳосилдорлиги эса гектар бошига планда белгиланган саккиз центнер ўрнига 20 центнерни ташкил этди. Давлат қабул пунктларига жами 1600 тонна ғалла етказиб берилди.

Бригада ғаллакорларининг бу йилги марралари янада улкан. Улар КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қароридан руҳланиб меҳнат қилмоқдалар. Яқинда шу хўжаликда бўлган мухбиримизга бригада бошлиғи Т. Халимбетов ғаллакорларнинг айни кунларда амалга ошираётган ишлари ҳақида сўзлаб берди.

— Лалмикор ерларда деҳқончилик қилишнинг ўзига хос қийинчиликлари, ташвишлари бўлади. Мана, бир неча йилдирки, Тоткол тоғ тизмаларидаги Ёвчиқкан қир-адрликларининг кенг ва бепоён бағрлари ўзлаштирилиб, ғалла экилмоқда. Бу ерларда чорва молларини кўпайтириш билан бирга ғаллачиликни жадал ривожлантиришнинг ҳам катта резерв ва имкониятлари бор. Шунинг учун ҳам йилдан-йилга экин майдонларини кенгайтирмоқдамиз.

Ўтган йилнинг кузида 500 гектар майдонга кузги буғдой сепдик.

Кузда уруғ ташланган экинзорларга ғаллакорлар алоҳида эътибор беришлари керак. Ялпи дон ҳосилининг миқдори кузги экинларнинг сақлаб қолинишига ва уларнинг ҳолатига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади, — деб КПСС Марказий Комитетининг барча меҳнаткашларга Мактубида оқилона таъкидланади.

Дарҳақиқат, шундай. Бригадамиз аъзолари кузда дон сепилган ғаллазорларга алоҳида эътибор бермоқдалар. Барча майдондаги буғдой бир текис ундириб олинди. Айни кунларда буғдойларнинг кўм-кўк майсалари қир ва адрларимиз кўркига-кўрк қўшиб турипти.

Кузда экилган ғалла майдонларининг ҳаммаси механизмлар ёрдамида сифатли озиқлантирилди. Ҳар гектар майдон ҳисобига 100 килограммдан минерал ўғит сепдик. Бу ишни тез ва соз ўтказишда бригадамизнинг кучик, аммо аҳил коллективи жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилди.

Баравж ривожланаётган ғалла майсалари ҳозирданоқ бўлажак хирмон салмоғини кўрсатиб турганидек... Юбилей йилида бригадамиз аъзолари ҳар гектар лалмикор ердан пландаги 10 центнер ўрнига 18 центнердан ҳосил олишни кўзламоқдалар.

Айтиб ўтилган ишларни амалга ошириш билан бирга баҳорги дон экинлари экишни ҳам зўр уюшқоқлик билан ўтказдик. Кузда сифатли шудгорлаб қўйилган 400 гектар қир ва адрликларга арпа ва буғдой уруғи сепилди. Бу ишни амалга ошириш учун ўн беш кун кифоя қилди, холос. Бригадамизнинг ҳамма аъзоси экиш кампаниясига сафарбар этилди, колхоз правлениеси томонидан катта мадад олиб турдик.

Занжирли бақувват трактторга ёнма-ён иккита сеялка тиркалди. Экин майдони колхоз марказидан қанчалик узоқ бўлмасин, уруғлик юк тракторлари ва машиналарда ўз вақтида етказиб турилди. Ҳар бир ишчи соатидан унумли фойдаландик. Ўн беш кун давом этган экиш кампанияси даврида трактторчи Эргаш Исроиловнинг кундалик иш унуми ўртача 25 гектарни ташкил этди. Сеялкачилар Қўчқинбой Эдилбоев, Абдураҳмон Ниёзматов, Ҳайитбой Анашбоевлар ғайрат кўрсатиб меҳнат қилишди. Экиш кампаниясида актив этганлар колхоз правлениеси ва партия ташкилоти томонидан моддий ва маънавий рағбатлантириб турилди.

Бир қарашда лалмикор ерларда деҳқончилик қиладиган ғаллакорнинг иши тугаганга ўхшайди. Лекин ҳали асосий иш олдинда. Эртаки дон экинларини ўз вақтида озиқлантиришимиз керак. Бу ишни амалга оширишга ҳозирданоқ тайёргарлик кўраяпмиз. Ғаллазорларни турли хил зараркунандалардан, қолаверса, чорва молларидан муҳофаза қилиш ҳам бош вазифамиз. Коллективимиз аъзоларининг озчилик бўлишига қарамай, ҳар йилдагидек юбилей йилида бу ишларни муваффақиятли бажарамиз.

Бригадамиз ғаллакорларининг айни кунлардаги ғайрат-шижоати баҳорги буғдой ва арпадан мўл ҳосил етиштиришларидан далолат бериб турибди.

Зиммага олинган социалистик мажбуриятни бажариш ҳар бир коллективнинг шарафли бурчи эканлигини яхши биламиз. Биз ўтган йилларда ҳам олдимизга қўйилган вазифаларни шараф билан бажариб келганмиз.

Донимиз—нонимиз, ризқу рўзимиз. Шундай экан, юбилей йилида аввалги йилларда эришган муваффақиятларимизни янада мустаҳкамлаймиз. Қир-адрликлар ёп бағридаги ерларни ўзлаштириб, экин майдонларимизни кўпайтирамиз. Ўзлаштирилган экин майдонларида эса йилдан-йилга дон ҳосилдорлигини оширамиз. Бу йил зиммамизга олинган социалистик мажбуриятни шараф билан бажариб, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик тўйига муносиб туҳфа тайёрлаймиз. Бригадамиз аъзоларининг бу тўйини ёруғ юз билан кутиб олишларига шак-шубҳа йўқ.

Социалистик мусобақа кундалиги

ОЙЛИК ИҚТИСОДИЙ ОБЗОР

МАЖБУРИЯТ ОЛДИНГМИ, БАЖАР!

Областимиз саноат корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб тортиқлар билан қутиб олиш, ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилини ўз фаолиятларининг барча кўрсаткичлари бўйича яхши якунлаш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар.

Барча корхоналарда мусобақа тобора қизғин тус олмоқда. Жойлардаги партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари бу ватанпарварлик ҳаракати иштирокчиларининг куч-ғайрати ва ижодий изланишини ҳар бир коллектив олдида турган вазифаларнинг шараф билан бажарилишига сафарбар этмоқдалар. Шу йилда кенг кўламда ташкилий-тарбиявий ва оммавий-сиёсий ишлар олиб борилмоқда.

Шунинг учун ҳам областимиз саноатчилари самарадорлик ва сифат беш йиллиги иккинчи йилининг ўтган икки ойлик ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда маълум ютуқларни қўлга киритдилар. Ўтган икки ой давомида маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг кўпчилик муҳим турларини ишлаб чиқариш бўйича топшириқ анча зиёдаси билан адо этилди. Халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун пландагидан ташқари салкам 14 миллион сўмлик турли-туман саноат маҳсулотлари етказиб берилди. Айниқса, Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари самарали меҳнат қилдилар. Уларнинг икки ойлик пландагига қўшимча реализация қилган маҳсулотлари миқдори 11 миллион 300 минг сўмликдан кўпроқни ташкил этди.

Қатор шаҳарлар ва районлар саноат ходимлари шу йилнинг ўтган икки ойи учун мўлжалланган социалистик мажбуриятларини тўла ва ошириб бажаришга муваффақ бўлдилар. Бу соҳада Янгийўл шаҳридаги саноат корхоналарининг коллективлари бошқаларга намуна бўлишаяпти. Ийл бошидан «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» шиори остида меҳнат пойгасини бошлаган йигит-қизлар ўтган икки ойлик планни бажаришда энг юқори кўрсаткичга эришдилар. Топшириқ 103 процент қилиб адо этилди. Қўшимча 1 миллион 613 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бу шу йилнинг икки ойи учун мўлжалланган социалистик мажбуриятдагидан салкам 400 минг сўмлик кўпдир.

Шунингдек, Ангрен ва Оҳангарон шаҳарлари, Ўрта Чирчиқ, Янгийўл, Пискент, Юқори Чирчиқ, Бўка ва Бекобод районлари саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари ҳам эл-юрт олдида берган ваъдаларининг тўла уддасидан чиқмоқдалар. Улар социалистик мажбуриятларини шараф билан адо этмоқдалар. Шу йилнинг ўтган ойларида эса ваъдаларидагидан ташқари ўнларча минг сўмлик саноат маҳсулотларини реализация қилдилар.

Областимиз саноатининг қатор етакчи тармоқлари ишчилари зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажармоқдалар. Улар саноат маҳсулотини натурада ишлаб чиқариш бўйича аҳдларини муваффақиятли адо этмоқдалар.

Айниқса, кўмирчилар самарали меҳнат қилишаяпти. Меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни мутасил такомиллаштириш, мавжуд асбоб-ускуналардан унумли фойдаланиш, илғорлар тажрибасини ва ватанпарварлик ташаббусларини кенг ёйиш, ишлаб чиқариш маданиятини тинмай ошириш, тежамкорлик учун курашни пухта ташкил этиш шахтёрлар ютуқларининг омили бўлмоқда. Улар ўтган икки ойда пландагидан ташқари 16 минг тонна ёқилғи қазиб чиқаришга ваъда беришган эди. Сўзи билан иши бирлар уни муваффақиятли уддасидан чиқишяпти. Икки ой ичида халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун етказиб берилган ёқилғи миқдори 26 минг тоннани ташкил этди. Айниқса, Ангрен кўмир разрези коллективи баракали ишлаяпти. Улар ҳар куни белгиланган ёқилғи миқдори 300—400 тонна атрофида кўмирни вагонларга ортиб жўнатишмоқда.

Шунингдек, минерал ўғитлари, кабель маҳсулотлари, ип-газламалари, тикувчилик буюмлари, устки ва ички трикотаж, мебель, чарм пойафзали, ўсимлик мойи, макарон маҳсулотлари, ун, момиқ ишлаб чиқариш бўйича зиммага олинган социалистик мажбуриятлар ҳам ортиғи билан адо этилмоқда.

Қатор саноат корхоналарининг коллективлари икки ойлик топшириқни муваффақиятли бажариш билан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш бўйича ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан катта силжиш қилдилар. Олмалиқ химия заводи, январь-февраль ойларида пландагидан ташқари 617 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, Чирчиқ трансформатор заводи, Ангрен резина комбинати, Келесдаги жунни қайта ишлаш фабрикаси, Бўка ва Чиноз пахта тозалаш заводлари, Ангрен ва Бекобод гўшт комбинатлари, Янгийўл кондитер-хамиртуруш бирлашмаси ва бошқа ўнлаб корхоналар шулар жумласидандир.

Областимиз саноатчиларининг ўнинчи беш йиллик иккинчи йили дастлабки икки ойидаги фаолиятида кўпгина нуқсонлар ҳам содир бўлди. Қатор шаҳарлар ва районлар, қўплаб саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқаришни қўлайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, таннархни камайтириш бўйича белгиланган давлат планларини бажаришни уддасидан чиқмадилар.

Маҳаллий партия ва касаба союз ташкилоти, раҳбар хўжалик органлари ҳар бир корхона, цех ва участканинг қолоқлик сабабларини аниқлаб, уларнинг такрорланмаслиги учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни кўришлари керак.

Барча корхоналар ва ташкилотларда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан нишонлаш, хўжалик йилини ҳар соҳада яхши кўрсаткичлар билан якунлаш юзасидан бораётган социалистик мусобақани янада авж олдириш — гоят муҳим вазифадир.

М. МИРҲАМИДОВ.

ЯНГИЙЎЛ шаҳридаги ёғ-мой комбинатининг ишчи-хизматчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллик тўйини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш ниятидаги баракали меҳнат қилмоқдалар. Комбинатнинг бир қатор илғор ишчилари шонли санагача икки-уч йиллик план топшириқларини бажаришга сўз беришган. Корхона бўйича эса 7 ноябргача йиллик план бажарилиб, йил охиригача пландан ташқари 915 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Суратларда (чапдан) слесарь Ҳикмат Фахриддинов, прессловчи Няпонхон Назарова, Людмила Трубленковаларни иш устида кўриб турибсиз.

И. Глауберзон ва В. Сяроткин фотолари.

1978 ЙИЛ ҲИСОБИГА

ФАБРИКАМИЗ пойафзалчиларни бу йил юксак марраларни кўзлаб меҳнат қилмоқдалар. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб ишонлаш учун курашда барча цех, участка ва бригада фаол иштирок этмоқда.

Бизнинг 7-цех коллективи ҳам мусобақада яхши натижаларга эришмоқда. Социалистик мажбуриятимизни муваффақиятли бажараяпмиз, маҳсулот сифати ҳам муттасил яхшиланиб бораяпти. Шу йилнинг ўтган икки ойида топшириқдагидан ташқари 2,5 минг жуфтдан кўпроқ оёқ кийимни ишлаб чиқардик.

Коллективимиз муваффақиятларига самарали ҳисса қўшаётган ишчиларимиз ҳам кўп. 250 пойафзалчи коммунистик меҳнат зарбдори ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги шахсий нормани бажаришда юксак кўрсаткичга эришмоқдалар. Айниқса, Соҳибжон Сиддиқов, Мавлонбек Ашуров, Людмила Растрогина сингари пойафзалчиларимизнинг меҳнати мақтовга сазовордир. Улар республикамиздаги ўн илғор ишчининг ташаббусига қўшилиб, бир беш йилликда икки беш йилликни бажаришга аҳд қилишган. Ваъдасига вафодорлар ҳар сменада нормадагига нисбатан камм билан икки баравар кўп маҳсулот беришмоқда. Ҳозирги вақтда уларнинг меҳнат календарида келгуси йилнинг тўртинчи квартали бошланган.

Мен ҳам ана шундай мажбурият асосида ишлаяпман. Ўнинчи беш йилнинг давомида ўн йиллик шахсий нормамни бажармоқчиман. Бунинг уддасидан чиқиш кишидан сидқидилдан ишлаш, касб маҳоратини тинмай ошириб бориш, қўшимча операцияларни бошқариш ўрганиш, ихтиёридаги станоги «тили»ни яхши билишни талаб этади. Мен ўз меҳнатимда шунга амал қиляпман. Натижада мажбуриятимни муваффақиятли бажарибгина, фақат аъло сифатли маҳсулот топширишга эришаяпман.

Лекин ҳали биз фойдаланаолмаётган резерв ва имкониятлар ҳам йўқ эмас. Биз бундан буён уларни ишга солишга ҳаракат қиламиз. Шу йилда муттасил изланиш олиб борамиз. Совет кишиларининг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжига тўла жавоб бера оладиган кенг истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ўз ҳиссамизни қўшамиз.

М. ОХУНОВ,
Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасининг ишчиси.

«ОЛТИН ҚЎЛЛИ МАСТЕР»

«ҚИЗИЛ ТОНГ» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида социалистик мусобақанинг турли формаларидан моҳирона фойдаланилмоқда. Шу жумладан «Олтин қўлли мастер» номини олиш учун кураш ҳам ташкил этилган. Бу ҳаракатда корхонанинг барча мастерлари иштирок этадилар. Улар ёш ишчиларга касб ўргатиш, ўзларини раҳбарлик қилаётган участкада ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомининг мустаҳкам йўлга қўйилишим, технология режимига қатъий амал қилиш ва бошқа шу каби вазифаларни муваффақиятли бажариш соҳасида мусобақалашадилар.

Бу беллашув ҳар квартала бир марта якунланади. Унинг ғолибларига «Олтин қўлли мастер» деган шарафли ном берилади. Ҳозир корхонада ана шундай номга сазовор бўлган ўнлаб қўли ишлаб чиқариш командирлари бор. Яқинда уларнинг сони яна кўпайди. Н. Чересева, Р. Грязова, М. Шокирова сингари 16 мутахассис шундай шарафли ном эгаси бўлган касбдошларни сафига қўшилдилар.

«ЎЗ КАСБИНИНГ МОҲИРИ»

АНГРЕНДАГИ давлат район электростанцияси маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари социалистик мусобақанинг пухта ташкил этиш, унинг янги-янги формаларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Нурхонада ўз касбининг моҳири номини олиш учун мусобақа яхши йўлга қўйилган. Етакчи касб эгаларини бўлган энергетиклар бу ҳайрли ишда фаол қатнашмоқдалар. Ярим йил давомида ишлаб чиқариш топшириқларини бажаришда энг яхши кўрсаткичларга эришган ишчиларга шу ном берилмоқда. Улар моддий жиҳатдан рағбатлантирилмоқда.

Турбина машинисти А. Максимов, қозон машинисти А. Абдуғаффоров, электр пайвандчи В. Швецов, газ пайвандчиси С. Рамазонов, электромонтёр Г. Усенко ўртоқлар «Уз касбининг моҳири» деган шарафли ном эгалари ҳисобланишади. Улар ана шу юксак ишончни шараф билан оқламоқдалар.

Қ. РАҲИМОВ,
облсовпроф инструктори.

УЧ ДУГОНА

Улкан цех дарвозасидан киришингиз билан радиокарнайдан хушовоз хонанданинг машҳур «Уч дугона» қўшиғи янграмоқда эди. Цехнинг нариги чеккаси зўрга кўзга чалинади. Чеварлар ўз ишлари билан банд. Тикув машиналари ўрнатилган поток линиялари ҳали тамер бўлмаган қийим-кечаклар қўлмақўл ўтмоқда. Биров ёқа тикса, биров енгини тикади, кейингилари яна бошқа операцияларни бажаришади. Цех бошлиғи ҳаракатлари чақон, хушрўйигина қиз ёнига етганда бизни таништирди:

— Уч дугонанинг каттаси шу қизимиз, Шоирахон. Ёш бўлишига қарамай, бригадага бош.

Цех бошлиғи Шоира Қорабоева ҳақида боя ҳам тўлқинланиб ҳикоя қилган эди. Бу қизнинг «Маликa» трикотаж ишлаб-чиқариш бирлашмасига келганига тўққиз йил бўляпти. Ўшанда кичкинагина қизча эди.

— Шу тўққиз йил ичидаги корхона билан боғлиқ бўлган ҳаётингизда энг эсда қоларли кун қайси?— сўрадик Шоирахондан. У ўйлаб ўтирмай жавоб берди:

— 1974 йил. Шу йили мени КПСС аъзолигига қабул қилишди. Бу йил яна шуниси билан эсимда қолганки, мени комсомол ёшлар бригадасига бошлиқ қилиб тайинлашди. Уша даврдаги кувоч ва ташвишларимни ҳозир ҳам завқ билан эслайман.

Шоира Қорабоева ишлаб чиқаришда илғор бўлиши билан бирга ўқишда ҳам аълочи. У Тошкент Давлат университети филология факультетининг 6-курс талабаси. Шоирахоннинг бўлажак касби педагог. Лекин ўзининг фикрича, ҳозирги касбидан «воз кечишни» олдин Моҳир қурувчиларнинг тарбиясини олган М. Захарин, М. Ким, В. Артёмкин сингари бинокорлар ҳам мусобақада пешқадамлик қилишяпти. Улар нормани 1,5 бараваргa етказиб адо этишаяпти.

Бошқармамиз пешқадамлари ҳисобланган бу бинокорлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб тортиқлар билан кутиб олиш юзасидан бошланган мусобақада олдинги сафда боришмоқда.

Т. АБДУЛАЗИЗОВ,
Тошкентдаги 8-қурилиш трести 2-бошқармасининг ишчиси.

АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Ўнинчи беш йилликнинг дастлабки йилидаги ишимиз натижаси анча баракали бўлди. КПСС XXV съезди тарихий қарорларидан руҳланиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилган коллективимиз ўз фаолиятининг барча техник-иқтисодий кўрсаткичларини анча яхшилашга эришди. Социалистик мусобақани авж олдириш, «Сафимизда қолоқлар бўлмасин» шиори остида меҳнат қилиш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш, пойафзал ишлаб чиқаришда прогрессив усулларни қўлланиш ютуқларимиз гарови бўлди.

Шу туфайли ҳам зиммамизга юклатилган барча мураккаб ва масъулиятли вазифалар шараф билан адо этилди. Маҳсулот реализация қилиш бўйича давлат плани муддатидан ярим ой илгари адо этилди. Қўшимча реализация қилинган маҳсулот миқдори эса 400 минг сўмликдан кўпроқни ташкил этди. Савдо шохобчаларига топшириқдагидан ташқари 50 минг жуфтдан ортиқ болалар пойафзали етказиб берилди.

Коллективимиз ишлаб чиқараётган ва мамлакатимизнинг жажжи гражданларига мўлжалланган пойафзаллар сифати ҳам йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Фабрикамизнинг ҳар бир участкасида маҳсулот сифатини яхшилаш учун қизғин кураш бормоқда. Бу соҳада яхши кўрсаткичларга эришган коллективлар ва айрим ишчилар моддий ва маънавий рағбатлантириляпти. Мусобақа ғолибларини аниқлашда маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари энг асосий шарт бўлиб қолди.

Қатор янги прогрессив технологияни жорий қилиш, пойафзални бичиш, тикиш ва унга пардоз беришнинг илғор усулларини қўллаш, замонавий ва унумли асбоб-ускуналардан фойдаланиш, маҳсулот сифатининг ошишига олиб келмоқда. Шу туфайли ўтган йили қатор пойафзал турларини давлат Сифат белгиси билан чиқардик. Ҳаммаси бўлиб эса шундай беш қиррали тамға билан чиқарилган пойафзаллар 208,1 минг жуфтни ташкил этди. Натижада давлат Сифат белгиси олган маҳсулотнинг миқдори анча кўпайди ва у ўтган йили барча маҳсулотнинг 13,2 процентигача етди.

Ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичларидан ҳисобланган меҳнат унумдорлиги ҳам доим ортиб боркани билан 300 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Ишлаб чиқариш ҳажми эса ўтган йилдагидан 3,7 процент ортади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллик юбилейигача пландагига қўшимча 215 минг сўмлик маҳсулот реализация қиламиз. Меҳнат унумдорлиги ками билан икки процент ортади. Мингларча сўмлик хом ашё ва материаллар тежаб қолинади. Қўшимча 40 минг сўмлик фойда оламиз. Маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасидаги ишлар кенг кўламда давом эттирилади. Биз бу йил ялпи маҳсулотнинг 14 процентини давлат Сифат белгиси билан чиқаришга эришамиз. Икки хил моделдаги янги пойафзал давлат Сифат белгисини олишга тақдим этилади.

Ҳозирги вақтда корхонамизнинг барча цехлари ва участкаларида зиммага олинган социалистик мажбуриятларни шараф билан бажариш учун қизғин кураш бормоқда. Ҳар бир ишчи-хизматчи бу ишга муносиб ҳисса қўшишга астойдил интилмоқда. Шунинг учун ҳам мавжуд резервларни қидириб топиш ва ишга солиш, ихтиёримиздаги асбоб-ускуналардан фойдаланишни яхшилаш, иш вақтининг бир дақиқаси ҳам фойдасиз ўтмаслигига эришиш учун тинмай изланиш олиб борилмоқда. Ишлаб чиқаришга жараёнларини такомиллаштиришга қаратилган янгиянги тадбирлар амалга ошириляпти.

Социалистик мусобақа ҳақиқатан ҳам оммавий тус олди. Донгдор ишчиларимиздан Орзихон Ҳикматова, Евдокия Куприяненко ва бошқалар мусобақада байроқдорлик қилишяпти. Улар бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш юзасидан зиммаларига олган шахсий мажбуриятларини шараф билан адо этмоқдалар. Шу кунларда келгуси йилнинг сўнгги ойлари ҳисобига маҳсулот беришмоқда. Бу пешқадам ишчилар ташаббусига қўшилиб, ўнинчи беш йилликни муддатидан илгари бажариш, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга аҳд қилган пойафзалчиларимиз сафи тобора кўпайиб бормоқда.

Шунинг учун ҳам йилни яхши бошладик. Январь — февраль ойларида маҳсулот реализация қилиш давлат плани ортиғи билан адо этилди. Қўшимча 60 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Коллективимиз қўлга киритилган ана шу ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун бундан буён ҳам бутун тажрибаси, маҳоратини ишга солиб меҳнат қилади.

Т. НОРОВ,
Янгийўл пойафзал фабрикасининг директори.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ МИНБАРИ

КАСБНИ УЛУҒЛАБ

КАСБИМИЗ бинокорлик. Ҳунарларнинг энг шарафлиси ва ардоқлиси. Бизнинг меҳнатимиз билан чўлу-биёбонлар боғу-роғларга айланади, кимсасиз ерлар гавжумлашади, шаҳар ва қишлоқларимиз ободонлашиб, кўркига-кўрк қўшилади. Шунинг учун ҳам бу касбни доим эъзозлаш, унга доғ туширмаслик коллективимиз аъзоси бўлган кўпчилик бинокорларнинг меҳнат шиори бўлиб қолган.

Ана шундай бунёдкорлар ҳақида завқ-шавқ билан гапиргинг келади. Комплекс бригадаларга моҳирона раҳбарлик қилиб келаётган, ўз касбининг ҳақиқий усталари ҳисобланган, унга меҳр-муҳаббат қўйган ва бошқаларни ҳам ҳудди шундай тарғиблаётган Р. Холиқов ва Ф. Фроловлар номини ҳаммамиз ҳурмат билан тилга оламиз. Улар ўзларининг ҳалол меҳнатлари, вазифаларига ситқидилдан муносабатда бўлишлари, барча объектларни тез ва соз қурилишига ҳисса қўшишлари билан шундай ҳурмат қозонишган.

Бу икки донгдор бинокор раҳбарлик қилаётган бригадалар доим мусобақа ғолиблари. Ишларининг сифати ҳам кўнгилдагидек. Шу кунларда улар иккита ўн қаватли бино қурилишида жонбозлик кўрсатиб ишлашяпти. Объектларда бунёдкорлик ишларини графикдагидан анча жадал олиб боришмоқда. Бу пешқадам коллективлар айни пайтда 1978 йил ҳисобига меҳнат қилишаяпти.

ПРОЛЕТАР ПАРТИЯСИ ҲАҚИДА МАРКСИСТИК ТАЪЛИМОТ

(В. И. ЛЕНИННИНГ «НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК?» АСАРИ БОСИЛИБ ЧИҚҚАНИГА 75 ЙИЛ ТЎЛДИ).

1900—1903 йиллардаги жаҳон иқтисодий кризиси қолоқ Россия учун жуда кескин ва зарбали бўлди. Кризис натижасида майда ва ўрта корхоналар синиб, капиталистларнинг монополистик бирлашмалари эса ўсиб борди. Буларнинг ҳаммаси ўз навбатида мамлакатда ишсизлик, очарчилик ва муҳтожликни кучайтириб, халқ оммасининг бошига янги-янги кулфатлар келтирди.

Россияда крепостнойлик қолдиқларининг тобора ривожланиб бораётган капиталистик муносабатлар билан чирмашиб кетиши барча зиддиятларни чуқурлаштириб, кескинлаштириб юборди. Бу зиддиятлар оммани курашга қўзғади. Ишчиларнинг стачкалари деҳқонларнинг ғалаёнлари билан қўшилиб кетди. Революциянинг яқинлашиб келаётганлиги ҳамма жойда сезилмоқда эди. Мана шундай шароитда меҳнаткашлар оммасининг революцион юксалишига раҳбарлик қила оладиган жанговар марксистик партия керак бўлиб қолди.

XIX асрнинг охирларида Россияда соцнал-демократик ҳаракат анча ривожланиб, мамлакатнинг йирик шаҳарларида социал-демократик ташкилотлар тузилган эди. Лекин бу ташкилотлар бир-бири билан боғланмаган бўлиб, улар Умум Россияга онд кенг сиёсий вазифаларни бажара олмас эди. Уша даврда Россия социал-демократияси тарқоқлик ва пароканлалик даврини бошидан кечирмоқда эди. Бундан ташқари ўша даврда социал — демократик комитетлари составида кўпчиликни ташкил қилган «экономистлар», яъни фақат иқтисодий курашни тан олганларнинг бузғунчилик фаолияти бир бутун партия тузишни қийинлаштирар эди. Марксистик партия тузиш йўлида асосий тўсиқ бўлган «экономистлар» билан ажралишмоқ зарур эди. В. И. Ленининг 1902 йил март ойида босилиб чиққан «Нима қилмоқ керак?» деган асари янги типдаги марксистик партия тузиш учун курашда ҳамда «экономизм»ни ғоявий жиҳатдан тор-мор қилишда муҳим роль ўйнади. Китобнинг бутун мазмуни янги типдаги марксистик партия ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқишга қаратилди. Ленин ишчилар синфининг революцион партиясини вужудга келтириш ва мустаҳкамлашни социалистик революция иши муваффақиятининг ҳал қилувчи шарти деб билди. У ўз асарида халқаро оппортунизмнинг бир тури ҳисобланган «экономизм»ни ҳар томонлама танқид қилиш билан бирга, унинг моҳиятини, ғоявий ва ижтимоий илдизларини очиб, ишчилар революцион ҳаракати учун катта хавф туғдиришини кўрсатиб берди.

В. И. Ленин оппортунизмнинг XIX асрнинг сўнгги ўн йиллигида капитализмнинг бир мунча тинч ривожланиши даврида юзага келганлигини, лекин халқаро оқим сифатида XX аср бошларида, капитализм ўзининг тараққиётининг империализм босқичига ўтиш даврида пайдо бўлганлигини кўрсатиб берди. Бу даврда марксизм ишчилар ҳаракатида ҳукмрон идеология бўлиб, пролетар революцияси эса бевосита амалий масала бўлиб қолган эди. Бундай шароитда империалистик буржуазия марксизмга қарши курашнинг янги-янги йўлларини қидирар, ишчилар синфининг, меҳнаткашларнинг кучини, бирлигини сусайтиришга уринар, ишчилар ҳаракатида ўз агентурасини барпо этиш учун ишчиларнинг бир қисмини ўз тарафига жалб қилишга, сотиб олишга ҳаракат қилар эди. Оппортунизмнинг туб мақсади марксизмни буржуазия идеологиясига ва сиёсатига мослаштиришдан, буржуазия ва майда буржуазияга ҳизмат қилдиришдан иборат эди.

Халқаро оппортунизмнинг рус социал-демократиясидаги кўриниши ҳисобланган «экономизм» пролетариатнинг туб манфаатларига ҳиёнат қилиб, синфлар ва синфий кураш тўғрисида марксистик таълимотни бузиб кўрсатди, революцион назариянинг аҳамиятини, ишчилар синфининг озодлик курашида социалистик онгнинг, марксистик партия ва унинг ролини инкор қилди. Гўё стихияли ишчилар ҳаракати, объектив қонуниятларнинг таъсири остида, эртами-кечми, капитализмнинг социализм билан алмашишига олиб келармиш. Шундай экан, сиёсий кураш олиб боришдан, бирлашган партия тузишдан ҳожат йўқ, балки ишчиларнинг барча куч-қувватини хўжайинларга қарши иқтисодий кураш олиб боришга қаратиш зарур эмиш.

В. И. Ленин «экономистлар» назарияси ва сиёсатининг ғайри илмий, буржуа характерини очиб ташлаб, ҳар қандай антогонистик жамият каби капиталистик жамиятнинг ҳам тараққиёти асосида ишлаб чиқарувчи кучларининг фаталь равишда ривожланишини эмас, балки синфлар курашини ётганлигини ва шунинг учун «пролетариатнинг асосий иқтисодий манфаати буржуазия диктатураси ўрнига пролетариат диктатурасини ўрнатадиган сиёсий революцион ҳаракати орқалигина қондирилиши мумкин»лигини кўрсатиб берди.

Марксизм пролетариатнинг буржуазияга қарши буюк курашининг уч формаси: иқтисодий, сиёсий ва назарий (идеологик) формалари бўлишлигини эътироф қилади, деб таъкидлаган эди В. И. Ленин.

Сиёсий курашнинг аҳамиятини камайтиришга, назарий курашни инкор қилишга қаратилган ва фақат стихияли ишчилар ҳаракатига сажда қилаётган «экономистлар»ни уларнинг «танқид эркинлиги» шиори билан никобланиб, назарияга бефарқ қараётганликларини фош қилиб, доҳиймиз ишчилар синфи ва унинг партияси учун революцион назариянинг аҳамиятини чуқур асослаб берди, бу синфнинг социализм учун курашида революцион назариянинг аҳамиятини ғоят юқори поғонага кўтариб, «революцион назариясиз революцион ҳаракат ҳам бўлиши мумкин эмас» деган қатъий хулосага келди. В. И. Ленин, революцион назария партия ва унинг келажаги қайси йўналиш — революцион кучларми ёки оппортунистларми, устунликни олишига боғлиқ эди. Фақат марксистик назариягина унга тўғри программа, стратегия ва тактикани ишлаб чиқишда илмий асос бўлиб ҳизмат қилиши мумкин эди.

Социализм, деб ёзган эди В. И. Ленин, пролетариат синфий курашининг идеологияси сифатида, идеологиянинг вужудга келиши, тараққий қилиши ва мустаҳкамланишининг умумий қонуниятларига бўйсинади, яъни инсоният билимининг барча ютуқларига асосланади, фаннинг энг янги ютуқларидан фойдаланишни кўзда тутади, ишчилар ҳаракати тажрибасини умумлаштиришни, ижтимоий тараққиёт жараёнларини тадқиқот қилишни талаб этади. Агар шундай экан, демак илмий социализм стихияли ишчилар ҳаракатидан вужудга келиши мумкин эмас, у фан ва ишчилар томонига ўтиб олган революцион зиёлилар томонидан ишлаб чиқилади. Капиталистик муносабатлар шароитида стихияли ишчилар ҳаракатидан социалистик идеология вужудга кела олмайди, шунинг учун пролетар идеологлари томонидан ишлаб чиқилган илмий социализмни ишчилар ҳаракати билан бирлаштириш, пролетариатнинг синфий курашига социалистик онг киритиш зарурияти туғилади. Бу вазифани ишчилар синфининг авангарди ҳисобланган марксистик партия амалга ошириши лозим. Ишчилар ҳаракатига социалистик идеологияни киргизиш буржуа идеологиясига қарши кескин кураш жараёнида содир бўлади. Фақат марксистик партиягина буржуа идеологиясига муросасиз кураш жараёнида ишчилар синфини коммунистик партия эҳтиёжини шаклланмоқда эди



Суратда: Район матлубот жамияти правлениесининг раиси (чапдан биринчи) келгуси режалар ҳақида суҳбат ўтказмоқда. Т. Мирзакаримов А. Абалян фотоси.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

УЛУҒ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб тўёналар билан қутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилган коллективлар орасида меҳнат қилаётган Ўрта Чирчиқ район матлубот жамияти ходимлари ҳам астойдил ишлашаяпти.

Бажарилган ишларга вақти-вақти билан якун ясаш, қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш бу ерда одат тусига кириб қолган. Яқинда Ўрта Чирчиқлик савдо ходимлари, умумий овқатланиш корхоналарининг меҳнаткашлари йиғилишиб беш йилликнинг биринчи йилига якун ясашди. Иккинчи йилига қилинадиган ишлар режасини тузиб олишди.

Аҳолига савдо хизмати кўрсатиш рақамлари сарҳисоб қилинганда яхши натижалар қўлга киритилган. Ўтган йили район бўйича киши бошига 385 сўмлик саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари сотилган. Бу маҳсулотларнинг 162 сўми озиқ-овқатларни ташкил қилган бўлса, 223 сўми кийимкечак ва саноат маҳсулотларидан иборат. 1975 йилга нисбатан 63 сўмлик кўпроқ маҳсулот сотилган.

Ҳаридорлар талаби ошиб бормоқда. Улар ўзлари ҳохлаган, дидларига ёққан арзон ва сифатли маҳсулотларни харид қилмоқдалар. Ҳозирги вақтда савдо ходимлари харидор истаги ва талабларини ҳисобга олиб ишлашга, уларга манзур бўладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларини етказиб беришга ҳаракат қилишмоқда. Савдо ходимларининг харидорлар билан маданий муносабатда бўлишлари муҳим омиллардан биридир.

Бирон нарса харид қилиш учун магазинга кириб қолдингиз. Ўзингиз истаган буюмни қидириб, молларни диққат билан кўздан кечирасиз. Шунча моллардан бирортаси ҳам сизга маъқул бўлмайди. Лекин, прилавка ёнида турган сотувчилар сизга эътибор бермай, ўзларича нималарнидир баҳслашишмоқда. Шунда сиз уларнинг гапини бўлиб, ўзингиз га ёққан буюмни кўрсатишни сўрайсиз. Улардан бири ўрнидан туриб, сиз сўраган нарсани олдингизга тақ этиб ташлайди-да, гапни қолган жойдан давом эттираверади. Сиз ана шундай вазиятда олмоқчи бўлган буюмингизни ҳам олмай чиқиб кетасиз. Бироз юрилгач, янгича усулда ишлашга кўчирилган магазин бор. Бу ерда ҳам ҳалиги магазинда кўрган буюмлар мавжуд. Лекин уларнинг ҳар бири пештахталарга шундай дид билан қўйилганки, ҳавасингиз келади. Бунинг устига сотувчи сизга пешвоз чиқиб, кўраётган буюмингизни қаерда ишланганлиги, унинг сифати, сизга мос ёки мос эмаслиги ҳақида ширинсуханлик билан маслаҳат беради. Олмоқчи бўлган буюмингиз ёқиңирамаса, сизга манзур бўладиганини топиб беришга ҳаракат қилади. Бундай магазиндан хурсанд бўлиб чиқиб кетасиз.

САВДО ТЕМАСИДА

Ўрта Чирчиқ район матлубот жамияти ходимлари аҳолига турли озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларини етказиб бераётганликлари, савдонинг прогрессив усулларидан фойдаланиб, магазинларни харидорларни ўз-ўзига хизмат қилишга кўчираётганликлари яхши натижаларга олиб келмоқда.

Ўтган йили товар оборати, умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашё тайёрлаш ҳамда харид қилиш планлари бажарилди. Дала ишлари қизғин тус олган дамларда улар бевосита иш жойларида савдо қилиш ва иссиқ овқат ташкил этиб, колхозчилар, совхоз ишчиларининг талабларини яхшироқ қондиришга ҳаракат қилдилар. Янги магазинлар, ошхоналар очилди. Ўтган йили пахта йиғим-терими даврида 7 та автолавка деҳконлар хизматида бўлди. Дала шийпонларида сотувчисиз 75 та ларёк ташкил этилди. 147 та кутбухоналар комплекти жамланиб, колхозчиларга сотилди. Дала меҳнаткашларига 5000 дона совғалар комплекти сотилди. Бу йил ана шу ютуқларни мустаҳкамлаб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тадбирлари белгиланди.

Пахтакорларга, қишлоқ хўжалигида меҳнат қилаётган барча кишиларга янада яхшироқ хизмат кўрсатиш учун тайёргарлик кўрилмоқда.

Матлубот жамиятига қарашли савдо шохобчаларининг ва умумий овқатланиш корхоналарининг 70 процентидан кўпроғи шу кунларда прогрессив усулларда ишлашга кўчирилган.

Ўтган йили район бўйича 91 та магазин ўз-ўзига хизмат қилган бўлса, бу йил уларнинг сони юздан ортади.

Магазинларда ишлаётган сотувчилар ўртасида социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилган. Мусобақа натижалари вақти-вақти билан яқнуланади. Илғорлар рағбатлантирилади. Камчиликка йўл қўйган савдо ходимлари эса умумий мажлисларда муҳокама қилиниб, уларга нуқсонларни тугатишда амалий ёрдам берилади.

КПСС XXV съездида савдо, умумий овқатланиш, маиший-хизмат кўрсатиш соҳасида ишнинг сифатини яхшилаш, истеъмолчига ва унинг талаб-эҳтиёжларига эътиборни кучайтириш каби муҳим масалаларни ҳал этишда шу соҳаларда меҳнат қилаётган кишилар янада активроқ, янада масъулиятни ҳис қилган ҳолда ишлашлари уқтириб ўтилди.

— Коллективимиз,— дейди матлубот жамияти правлениесининг раиси Т. Мирзакаримов,— ўз олдида қандай масъулиятли вазифалар турганлигини тўла ҳис қилади, Қишлоқ меҳнаткашларини турли хил моллар билан таъминлаш, савдо маданиятини ошириш учун янада зўр ғайрат билан ишлайдилар.

Ўрта Чирчиқ район матлуботчиларининг намунали ишлари бошқаларга ибратлидир.

А. МИРЗААҲМЕДОВ.

ШОИРЛАР ЎҚУВЧИЛАР МЕҲМОНИ

ЧИНОЗ район Пахта қишлоғидаги Абдулла Набиев номли мактаб ўқувчилари ҳузурига таниқли шоирлардан Ҳамза номли республика давлат мукофоти лауреати Қуддус Муҳаммадий, Илёс Муслим ва адабиётшунос олим Абдулла Суюмов меҳмон бўлиб келишди. Бу учрашув ёш адабиёт мухлисларида катта таассурот қолдирди.

Мактабнинг собиқ ўқувчиси филология фанлари кандидати А. Суюмов учрашувда сўзга чиқиб ўқувчиларга шоирлар ҳақида, меҳмонларга эса ўзи битирган мактаб ишлари тўғрисида сўзлаб берди. Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва яқинлашиб келаётган болалар китоб ҳафталигига оид тадбирларни ўтказиш борасида қилинаётган ишлар ҳусусида ўқитувчилар ва ўқувчилар тўлқинланиб гапиришди. Шундан сўнг шоирлар янги асарларидан ўқиб бердилар.

Учрашув сўнгида мактабдаги бадиий ҳаваскорлик тўгараги қатнашчилари концерт қўйиб беришди.

Т. ИСКАНДАРОВ.

КЎРИНГ, ҲАВАС ҚИЛИНГ

ОБЛАСТЬ ички ишлар бошқармаси паспорт бўлими ходимлари ҳам социалистик мусобақада актив иштирок этишиб ўтган 1976 йилда аҳолига паспорт топшириш планини муддатидан илгари бажардилар 1975 йилдагига қараганда барча кўрсаткичлар бўйича яхши натижаларга эришилди. Республикада биринчи бўлиб ички ишлар бошқармасининг паспорт бўлимида илғор тажриба ўқув синфи ташкил этилди. Бу синф илғорлар тажрибасини кенг ёйиш учун хизмат қилмоқда.

Социалистик мусобақа шартларига кўра 1976 йилда махсус комиссия икки марта натижаларга якун ясади. Энг яхши паспорт столи ва бўлимлари фахрий вимпеллар билан мукофотланди, илғор ходимларга эса «Милиция аълочиси» нишони ва қимматбаҳо совғалар топширилди. Ўзаро социалистик мусобақада Чирчиқ, Тошкент ва Янгийўл шаҳар ижроия комитетлари ички ишлар бўлимларининг паспорт стол ва бўлинмалари совринли ўринларни эгалладилар.

Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам областимиз паспорт столи ва бўлинмалари ходимларининг режалари катта. Улар Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб «Яна ҳам яхшироқ, самаралироқ ва сифатлироқ ишлаймиз!» деган шиор остида фаолият кўрсатишмоқда. Областимиз паспорт бўлими ходимлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ва Совет милициясининг 60 йиллигига бағишланган умумий йиғилишда ўз зиммаларига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишди.

Паспорт столлари ва бўлинмаларининг хизматчилари бу йил пландаги 230 минг киши ўрнига область аҳолисидан 240 минг кишига янги паспортларни топширишга, «Энг яхши паспорт столи», «Энг яхши инспектор» деган номни олиш учун курашишга аҳд қилганлар. Ички ишлар ходимлари шунингдек, илғор тажриба синфини янги экспонатлар билан бойитишга, Олмалиқ шаҳри ва Юқори Чирчиқ райони ижроия комитетлари ички ишлар бўлимларида паспорт бўлимлари ташкил этиш, Олмалиқ ва Тошкент шаҳри паспорт ходимларининг иш тажрибасини оммалаштириш, Ангрендаги 9-шахта, Оҳангарондаги цемент заводи, Чирчиқдаги химия комбинати, Янгийўлдаги пойафзал фабрикасида иш олиб бораётган катта инспекторлар тажрибасини кенг оммалаштириш, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини юқори савияда олиб бориш мақсадида бир қатор ибратли тадбирларни белгилашган.

Область паспорт бўлими ходимлари Совет гражданлик ҳужжатларини алмаштириш ва топшириш учун янги-янги иш формаларини изламоқдалар. Улар Улуғ Октябрь революцияси 60 йиллиги ва Совет милициясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўзаро мусобақани яна ҳам авж олдираяптилар. Бу эса паспорт алмаштиришдек муҳим сиёсий кампанияни юксак ташкилий даражада ўтказишга ёрдам бермоқда.

Р. ШОДМОНОВ, область ички ишлар бошқармаси паспорт бўлимининг бошлиғи, милиция майори.

АССАЛОМ, БАҲОР

Табиатда гўзал, серзавқ уйғониш. Қишки сокинликдан сўнг олам яшариб, кўнгилларга кўклам ўзгача кайфият бағишлаган.

Ҳар йили баҳорда Тошкент Давлат педагогика институтида Наврўз байрами ўтказиш одат тусига кириб қолган. Мана бугун ҳам институтнинг мажлислар зали баҳор кўркини олган. Байрам Горький номли рус академик драма театрининг табриги билан бошланди. Бугунги тантанага Тошкент маданият институти ва Островский номидаги театр ва рассомчилик институти студентлари ҳам ташриф буюришган.

Ўзбек ва қозоқ тили филологияси факультети студентлари Нафиса Шоаъзамова ва Хайри Мусаеваларнинг дилрабо шеърлари, Султонпошша Удаева, Рўзимат Салимов, Сафаргул Алимбетованинг қўшиқлари янгради. Сўнгра меҳмонлар ижросида «Қайнона» комедиясидан бир саҳна ижро этилди.

А. КЕЛДИЕВА.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Спорт

ХОККЕЙ МАВСУМИ МУЛОҲАЗАЛАРИ

Тошкентлик хоккейчилар мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишганда, команда устозлари В. Столяров ва А. Каменевлар коллектив режаларини ишқибозлар билан ўртоқлашар эканлар, командамиз биринчи лигада ўрнашиб қолишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди, деган эдилар. Бу табиий эди, албатта. Негаки, ҳар бир команда чемпионатда бир поғона кучлилар даврасига йўлланма олганда, энг аввало ана шу рақиблар ўртасида мустаҳкамланиб қолишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Бир-икки йил ўтиб, бироз тажриба тўплагач, янги марраларни кўзлайди.

«Бинокор» мамлакат чемпионатининг дастлабки ўйинларини кучли командалар билан бошлаб, муваффақиятсизликка учраган бўлса-да, кейинги учрашувларда аста-секин тажриба орттира бориб, турнир жадвалида бирмунча юқорироқ ўринга чиқиб олди.

Команда ўйинчилари Р. Бойм ухамедов, Ю. Самохвалов, Ю. Савран, Ю. Комраков, О. Доможиров ва бошқалар ўйинидан-ўйинга маҳоратларини ошира бордилар.

...Чемпионат тугашига бир тур қолганда «Бинокор» Липецкнинг Армия спорт клуби (МХО) хоккейчилари билан тенг — 39 тадан очко тўплаб, турнир жадвалида 10—11 ўринни эгаллаб туришган эди. Бу турга келиб Свердловскнинг Армия спорт клуби аллақачон (Свердловск хоккейчилари чемпионатни ҳаддан ташқари бўш ўтказишиб, бутун мавсум давомида атиги икки марта ғалаба қозондилар, холос) биринчи группадан чиқиб кетиши аниқ бўлган бўлса, иккинчи омадсиз команда охирги тур ўйинларга боғлиқ бўлиб қолди. Тошкент, Липецк, Усть-Каменогорск ҳамда Куйбишев хоккейчилари турнир жадвалининг пастки қисмига шундай жойлашишган эдики, бой берилган бир очко уларни қўнгилсиз ҳолатга тушириб қўйиши мумкин эди.

«Бинокор» охирги ўйинларни ўз майдонида турнир жадвалидаги ён қўшниси «Торпедо» хоккейчилари билан ўтказди. Ғалаба ҳар икки командага жуда зарур эди. Буни яхши англаган рақиблар майдонга фақат ғалаба қозониш иштиёқида тушишди. Ўйин ниҳоятда кескин ва шиддатли ўтди. Мезбонлар ўйинчиси Селиванов қўпол ҳаракати учун майдондан чиқариб юборилганда сон жиҳатидан камчил бўлиб қолган меҳмонлар ўз дарвозаларини ҳимоя қилиш ўрнига, ҳужумга ўтиб, муваффақиятга эришдилар. «Торпедо» капитани Шепелин ҳисобни очди. Самохвалов ҳисобни тенглаштиргандан кейин Савран ташкентликларни олдинга олиб чиқди. Лекин бу устунлик узоққа чўзилмади. Тичкин яна вазиятни тенглаштирди. Учрашувнинг биринчи бўлимида биттадан шайба киритган рақиблар, иккинчи бўлимда ҳам бир мартадан дарвозани забт этишди. Учинчи бўлим эса натижасиз тугади. Шундай қилиб, кучлилар группасида «прописка»ни сақлаб қолишга умид қилган рақибларнинг биринчи баҳси 2:2 ҳисобида якунланди. Эртаси куни ўтказилган такрорий учрашувда аввалига 3:0 ҳисобида устунлик қилиб турган тошкентликлар сал бўлмаса, ғалабани бой беришаёздн. «Торпедо» ҳужумчиси Шепелин иккита шайба киритди. 3:2 ҳисобида ғолиб келган тошкентликлар ўйинни ўз фойдаларига ҳал қилишди ва бу муҳим ғалаба билан биринчи лигада курашни давом эттириш ҳуқуқини сақлаб қолишди.

«Бинокор» мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида 14 команда баҳсида 10-ўринни эгаллади. Бундай қараганда ёмон натижа эмас. Команда мавсум бошида ўз олдига қўйган, яъни биринчи лигада мустаҳкамланиб қолиш вазифасининг уддасидан чиқди. Лекин бу натижа чемпионатнинг сўнгги — жуда мураккаб ва кескин баҳсида қўлга киритилди. Яъни, бутун мавсум давомида қилинган ҳаракат охирги ўйиннинг тақдирига боғлиқ бўлиб қолди. Командамиз бу масъулиятли учрашувда тўрт имкониятдан уч очко олиб, Куйбишев ҳамда Липецк командаларининг учрашувлари қандай натижа билан тугашини «кутиб» ўтирмай масалани ҳал қилди.

«Бинокор» бундан кўра юқорироқ ўринга кўтарилиши мумкинмиди? Ҳа, мумкин эди. Командамиз 52 учрашувнинг 17 тасида ғолиб келиб, 8 ўйинни дуранг қилди ва 27 марта мағлубиятга учради. Ўз майдонида устун келиб туриб, бой берилган очколар ва сафардаги бир қатор тенг рақиблар билан бўлган учрашувлардаги мағлубиятлар тошкентликларни якунловчи жадвалда янада юқорироқ ўринга кўтарилишга имкон бермади.

Тўрт команда навбатдаги учрашувларни ўтказишгандан сўнг биринчи лига қатнашчилари чемпионатга якун ясашади. Лекин бу ўйинлар командаларнинг жадвалдаги умумий ўрнига таъсир этмайди. «Автомобилист» биринчилик тугашига бир неча тур қолганда мақсадига эришиб, олий лигага йўлланма олди. Свердловск хоккейчилари класи йил кучлилар даврасида «Кристалл» ўрнини эгаллайди. Иккинчи, учинчи ўринларни эса «Сибирь» ҳамда «Салават Юлаев» коллективлари олди. Усть-Каменогорскнинг «Торпедо» хоккейчилари билан Свердловскнинг армия спорт клуби коллективлари биринчи лигадан чиқиб кетишди.

Мавсум тугади. «Бинокор» келаси йил биринчи лигада курашни давом эттиради. Команда тренерлари мавсум ўйинларини таҳлил қилар эканлар ютуқларни мустаҳкамлаб, бой берилган имкониятлардан тўғри хулоса чиқариб, келаси мавсумда янада юқорироқ ўринларни кўзлашади, деган умиддамиз.

Командаларнинг бугунгача турнир жадвалидаги аҳволи қуйидагича:

Командалар	Ўйин	Шайба	Очко
1. «Автомобилист»	50	311—136	86
2. «Сибирь»	52	224—148	78
3. «Салават Юлаев»	50	217—132	72
4. «Ижсталь»	52	279—193	67
5. «Дизелист»	52	171—152	54
6. «Сокол»	52	193—175	51
7. «Молот»	52	175—210	51
8. «Локомотив»	52	176—226	45
9. Урицкий номидаги спорт клуби	50	217—212	44
10. «Бинокор»	52	159—216	42
11. АСК Липецк (МХО)	52	216—258	41
12. АСК Куйбишев	52	182—239	41
13. «Торпедо»	52	191—225	38
14. АСК Свердловск	50	158—347	10

Шундай қилиб чемпионатда олий лигага йўлланма олган «Автомобилист» ҳамда «Салават Юлаев», Урицкий номидаги спорт клуби ва Свердловскнинг Армия спорт клуби командалари учрашувидан сўнг жадвалнинг барча каталари тўлади.

Ш. УМУРЗОҚОВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг спорт шарҳловчиси.

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ТЕРМА КОМАНДА ҒАЛАБАСИ

Жаҳон чемпионати саралаш учрашувларига тайёргарлик кўраётган СССР терма командаси Белградда Югославия футболчилари билан халқаро ўртоқлик учрашувини ўтказишди ва 4:2 ҳисобида ғолиб келишди. Тўпларни СССР командасидан Блохин (2 та), Кипиани ва Буряк (пенальтидан) киритди. Мезбонлардан эса Баевич ҳамда Еркович иккита тўп автори бўлишди. Командамиз дарвозабони Астаповский ўйин тугашига бир минут қолганда ўн бир метрлик тўпни қайтариб қолди. Терма командамиз сафида пахтакорчи Владимир Федоров ҳам қатнашди. Футболчиларимиз навбатдаги учрашувни 27 мартда Бельгияда «Локерен» клуби билан ўтказади.

ҲАВФЛИ ЗОНА БЎСАҒАСИДА

Тошкентнинг физкультура институти баскетболчилари мана бир неча йилдирки мамлакат чемпионатининг олий лигасида мусобақалашиб келишмоқда. Лекин командамиз ҳар сафар турнир жадвалининг пастки поғоналаридан ўрин олиб, олий лига қатнашчилари сафида аранг сақланиб қолишмоқда. Бу йилги биринчилик ўйинларида ҳам тошкентликлар жадвалда хавфли зонада туришибди. Улар Свердловскда ўтказилаётган учинчи давранинг биринчи тур ўйинларида қатнашиб, уч марта мағлубиятга учрашди. Ҳамшаҳарларимиз сўнгги турда жадвалдаги ён қўшнилари Киев динамочиларига 78:79 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Бугун тошкентликлар Марказий армия спорт клуби, эртага эса Москва областининг «Спартак» командаси билан мусобақалашадилар.

ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

Мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида қатнашаётган «Университет» баскетболчилари ўзларининг навбатдаги учрашувларини Чирчиқдаги «Сплав» спорт клуби залида Харьковнинг «Авангард» командаси билан ўтказдилар. Биринчи учрашувда 100:92 ҳисобида ғолиб келган тошкентликлар иккинчи баҳсда ҳам ғалаба қозондилар. Ҳисоб 99:76. «Университет» 20 очко билан турнир жадвалининг учинчи поғонасини эгаллаб турибди.

Реклама ва эълонлар

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КУНЛАРИДА НАМОЙИШ ҚИЛАДИГАН СПЕКТАКЛЛАРИНИНГ БАҲОРГИ КАНИКУЛ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

25 III да — СПАРТАК (12.00), ТОҲИР ВА ЗУҲРА (19.00).

26 III да — ИСПАН МИНИАТЮРАЛАРИ (билетлар сотилган, (12.00), СЕВИЛЬЯ САРТАРОШИ (19.00).

27 III да — КНЯЗЬ ИГОРЬ (12.00), ЖИЗЕЛЬ (19.00).

28 III да — ДОКТОР АЙБОЛИТ (12.00).

29 III да — УЛИК МАЛИКА ҲАҚИДА ЭРТАК (12.00).

30 III да — ЗОЛУШКА (12.00).

31 III да — ОҚҚУШ ҚЎЛИ (12.00), СЕВГИ ҲАҚИДА ҚИССА (19.00).

Коллектив бўлиб келиш учун явкалар қабул қилинади.

Касса соат 11.00 дан 20.00 гача ишлайди.

33-90-81 телефони бўйича заказлар қабул қилинади.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Уйда ҳеч ним йўқ (бадиий фильмнинг 7—14 серияллари). 11.40 — Концерт. 12.25 — Миллионлар ленинча университети. 15.30 — Кинопрограмма. 16.30 — Болалар учун фильм. 17.45 — Москва ва москваликлар. 18.15 — «Орлёнок». 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — «Камалак». 19.55 — СССР касаба союзлари XVI съездининг делегатлари ва меҳмонлари учун концерт. 00.10 — Янгиликлар.

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Кичик Тиук Москвага боради (телефильм). 12.20 — Болалар санъати байрамининг очилиши. 18.30 — Болалар учун фильм. 18.55 — «Ёшлик». 19.25 — Ахборот. 19.40 — Н. Мирошниченко. «Қалби олов» Ҳамза номли Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли. 21.20 — Ахборот. 21.20 — «Қалби олов». (Спектаклнинг давоми). 22.00 — «Ваҳт» (Москва). 22.30 — Қишлоқ хўжалик ишлари кундалиги. 22.45 — Кино оламида.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Болалар учун фильм. 19.15 — «Хўжайин» (телеспектакль). 20.40 — Янгиликлар. 20.55 — Чизма геометрия.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25 III да Спартак (12.00), Тоҳир ва Зуҳра (19.00), 26 III да Испан миниатюралари (12.00, билетлар сотилган), Севилья сартароши (19.00), 27 III да Князь Игорь (12.00), Жизель (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25 III да Мен Чилга ишонаман, 26 III да Келинлар қўзғолони (билетлар сотилган), 27 III да Қиёмат қарз.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25 III да Гулбаҳор қани? (12.00), Хонума хоним (кечқурун). 26 III да Гулбаҳор қани? (12.00), Йиллар ўтиб (кечқурун), 27 III да Гулбаҳор қани? (12.00).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 25 III да Ишқ қурбонлари (12, 16.00). 26 III да Фақат ақл сотилмайди (12.00), 27 III да Ишқ қурбонлари (12, 15.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Дунёдаги ягона лилипутлар ревюси иштирокида Москва циркининг гастроллари (10, 13, 16, 19.00).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — Бобби (катта зал, 12, 14.30, 17, 19.30). Сув ости салтанатининг малинаси — «ҚОЗОГИСТОН» (11, 12, 15.15, 18.20, 19.20, 21.00), БИЛИМЛАР УЙИ (13, 14.30, 16, 17.30), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). Ютуқ — «МИР», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун). Томдан сакраш (11, 13, 15.00, 16.30), Истеъфодаги полковник (18, 20.00) — «ПИОНЕР».

ТОМОШАБИНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИНИНГ СПЕКТАКЛЛАРИ

1 АПРЕЛДАН БОШЛАБ КЕЧ СОАТ 19.00 ДА, КУНДУЗГИЛАРИ СОАТ 12.00 ДА БОШЛАНАДИ.

«ЕШ ГВАРДИЯ» ТЕАТРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Тошкент халқ хўжалик институти коллективи саноатда бухгалтерия ҳисоби ва анализи кафедрасининг ўқитувчиси А. Азларовга отаси

Азлархўжа БАҲОДИРОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БИЗГА ЁЗАДИЛАР

ЮБИЛЕЙГА БАҒИШЛАБ

ТОШКЕНТ кабель заводи маданият саройида «Экранда меҳнат кишиси» деб номланган кинофестивал очилди. Область маданият ходимлари касаба союзи комитети бу кинофестивални Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишлаб ўтказмоқда.

Фестивалнинг биринчи куни «Ўзбекфильм» киностудиясн ижодкорлари залга тўпланганларга меҳнат қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий лекталар тўғрисида сўзлаб бердилар. Завод ветеранлари эса ишчи ўринбосарларини тайёрлаш масаласи хусусида фикр юритдилар.

Кинофестивал программаси жуда бой. Унда «Мукофот», «Ўз ўрнидаги одам», «Ким агар сен бўлмасанг» каби ўнлаб фильмлар намойиш этилади.

ЎН БЕШ ТИЛДА

Ғафур Ғулом номли адабиёт ва санъат нашриёти ўзбек совет адабиётининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг биргина «Яша Шўро» номли шеърндан иборат жажжи китобчани қардош совет республикалари халқларининг ўн беш тилида нашр этди. Ушбу шеър оташин революцион шоирнинг ижодини белгиловчи асарлардан эканлиги туфайли ҳам ана шундай қилинди.

Шеърни қардош тилларга таржима қилишда улкан ижодкор Ўзбекистон ССР халқ шоири Микола Бажан, грузия халқ шоири Карло Каладзе, белоруссия халқ шоири Петрус Бровка, Тожикистон халқ шоири Миршакар ва бошқа таниқли ижодкорлар иштирок этдилар.

Ш. ТОҲИРОВ.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ



ТОЖИКИСТОН ССР. Шаартуз районидаги «Ленинград» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шакархоним Болтаева етакчилик қилаётган бригада пахтакорлари юбилей йилида мавжуд 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 48 центнердан қимматбаҳо ингичка толали пахта етказиб беришга аҳд қилишган. Суратда: Ш. Болтаева бригада аъзолари билан бирга.

В. Степенцев фотоси.

1925 йилда ташкил этилган меҳнатни муҳофаза қилиш Бутуниттифоқ марказий илмий текшириш институти олимлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали ишлар қилиб келишмоқда. Суратда: чангланган газни ушлаб қолиш лабораториясида.

В. Кошевой фотоси. ТАСС — фотохроникаси.



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р—14255. Узбекистон Компартиясининг Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64583. Г. 1591.